

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖЎРАЕВ АКМАЛ РАЗЗОҚОВИЧ

**ДАСТУРЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИ
АСОСИДА БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ
КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Жўраев Акмал Раззоқович

Дастурлаштирилган таълим воситалари асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетенцияларини шакллантириш методикасини такомиллаштириш..... 3

Жураев Акмал Раззокович

Совершенствование методики формирования профессиональных компетенций будущих учителей на основе программных средств обучения..... 25

Zhuraev Akmal Razzakovich

Improving the methodology for the formation of professional competencies of future teachers based on training software 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖЎРАЕВ АКМАЛ РАЗЗОҚОВИЧ

**ДАСТУРЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИ
АСОСИДА БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ
КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Ped508 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.vocedu.uz) ва “Ziynet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қаҳҳоров Сиддиқ Қаҳҳорович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тўрақулов Олим Холбўтаевич
педагогика фанлари доктори, доцент

Маматов Дилмурад Нармуратович
педагогика фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Ped48.01-рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил “28” 12 соат 14 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100095, Тошкент шаҳар, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: (99871) 246-92-17, факс: (99871) 246-90-37, e-mail: moqt@markaz.uz.)

Диссертация билан Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (16 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент шаҳар, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: (99871) 246-92-17; факс: (99871) 246-90-37.

Диссертация автореферати 2019 йил “15” 12 куни тарқатилди.
(2019 йил “15” 12 даги 14 - рақамли реестр баённомаси).


Ш.Э.Қурбанов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор
С.Ю.Ашурова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент
Қ.Т.Олимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълим тизимида ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини кенг жорий этиш орқали педагог кадрларнинг замонавий технологик билимларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Европа ва бошқа ривожланган мамлакатларда ўқув жараёнини виртуал лойиҳалаш (Simulations), таълим жараёнига масофавий таълим (Moodle, Ilias, Dokeos ва ш.к.) шакллари кенг татбиқ этиш, ахборот-таълим муҳити (e-learning) шароитида касбий таълимнинг узлуксизлиги ва амалий йўналганлиги, таълим олувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, касбий компетенциялар тизимини шакллантиришда замонавий дастурлаштирилган таълим воситаларидан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш катта аҳамият касб этмоқда.

Халқаро педагогик тажрибага кўра, олий таълимда бўлажак мутахассисларни касбий тайёрлаш тизимида AutoCAD, Visual Basic ва Macromedia Flash каби дастурлар асосида ишлаб чиқилган таълим воситаларининг янги авлодини яратиш ва улардан фойдаланиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, мутахассислик фанларини виртуал реаллик қонуниятлари асосида ўқитишда умумкасбий ва методик интегратив билимлар (визуаллаштирилган маълумотлар банки, лаборатория ишланмалари ва умумкасбий характердаги интеллектуал топшириқлар тизими), интерфаол ўқув мулоқотини таъминловчи яхлит тизим сифатида мультимедиали ўқитиш тузилмаси катта аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида дастурлаштирилган таълим воситаларини самарали қўллаш орқали уларнинг касбий (ҳисоблаш-график, технологик-лойиҳалаш, креатив) ва шахсий (“self-management” and “self-development”) компетенцияларини шакллантириш амалиётини кенг жорий этиш муҳим ўрин эгаллайди.

Бугунги кунда олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этишда компетенциявий ёндашувга асосланган ташкилий-педагогик механизмларни такомиллаштириш орқали мамлакатимиз интеллектуал ресурслари потенциали улушини ошириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”, шунингдек, “илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш”¹ устувор вазифалар сифатида белгиланган. Бу бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш амалиётида инновацион техника ва технологияларни қўллаш, бўлажак касбий фанлар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т., 2017. –Б.39.

ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантиришда дастурлаштирилган таълим воситаларидан фойдаланиш муаммосини тизимли тадқиқ қилишни назарда тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 30 июндаги “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5099-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бўлажак ўқитувчиларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан касбий фаолияти жараёнида фойдаланиши уларнинг касбий компетентлигига узвий боғлиқ. Касбий фаолиятга тайёрлашда дастурлаштирилган таълим воситаларини қўллаш муаммоси бўйича хорижий мамлакатлар ва ватанимиз олимлари томонидан кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришнинг илмий-назарий асослари Н.А.Муслимов², А.Р.Ходжабаев³, Қ.Т.Олимов⁴, С.Ю.Ашурова, А.Абдуқодиров⁵, У.Ш.Бегимкулов⁶, У.И.Иноятов, З.К.Исмаилова⁷, О.А.Абдуқудусов, Х.Ф.Рашидов, Н.Ш.Шодиев, Р.Қ.Чориев, Л.В.Голиш, Ў.Д.Хидиров Д.О.Химматалиев, П.Р.Атутов, Ю.К.Васильев, В.А.Сластёнин, В.А.Скакун, А.А.Исмоилов, Х.И.Ибрагимовлар томонидан

² Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантиришнинг назарий - методик асослари.: Пед.фан.докт. ... дисс. автореф. - Т.: 2007. - 45 б.

³ Ходжабаев А.Р. Научно-педагогические основы учебнометодического комплекса подготовки учителя труда: Дисс. ... докт. пед. наук. - Т.: 1992. - 406 с.

⁴ Олимов Қ.Т. Махсус фанлардан ўқув адабиётлари янги авлодини яратишнинг назарий-услубий асослари. Авторефер. дис. ...пед. фан. докт. -Т.: 2005. -44 б.

⁵ Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х. Масофали ўқитиш наазрияси ва амалиёти. -Т.: Фан, 2009.-145 б.

⁶ Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти.: Пед.фан.докт. ... дисс. автореф. - Т.: 2007. - 37 б.

⁷ Исмаилова З.К. Талабаларнинг касбий педагогик малакаларини шакллантириш.: Автореф. дис. ... пед. фан. ном. - Т.: 2000. - 18 б.

ўрганилган. Ш.Э.Қурбонов⁸, Р.Ҳ.Джўраев⁹, Я.Ҳ.Ҳайдаров ва бошқаларнинг ишларида бўлажак мутахассис кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш масалалари педагогик муаммо сифатида тадқиқ қилинган.

Касб-хунар таълимида “компетенция”, “компетентлик” ва “таянч компетенция” каби тушунчаларнинг мазмун ва моҳиятини ўрганиш ва тадқиқ қилиш, шакллантириш, ривожлантириш ва ташхислаш масалаларига оид изланишлар республикамиз олимлари: Н.А.Муслимов, Ш.С.Шарипов¹⁰, О.А.Қўйсинов¹¹, Н.Н.Каримова, Ё.Р.Нажмиддинова, Ж.Р.Турматов, Р.Х.Файзуллаев, К.Т.Уматалиевалар, МДҲ ва хорижий мамлакатлар олимларидан В.И.Байденко, А.А.Вербицкий, Н.А.Гришина, Э.Ф.Зеер, И.А.Зимняя, О.Н.Яригин, Н.В.Кузьмина, А.И.Кулешова, А.К.Маркова, Н.В.Скачкова, А.В.Хуторский, С.Р.berger, W.Grabe, J.Harmer, L.Harvey¹² ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Олий таълим муассасаларида дастурлаштирилган таълим воситаларидан фойдаланишнинг педагогик-психологик асослари, ахборотлаштириш назарияси, методикаси ва амалиёти бўйича салмоқли натижалар Ж.А.Ҳамидов¹³, О.Х.Тўрақулов¹⁴, М.М.Арипов, С.С.Ғуломов, Н.И.Тайлақов, У.Ю.Юлдашев, Д.Н.Маматов¹⁵, С.Қ.Турсунов, Ф.Ҳ.Ғаффоров, С.Ж.Тўраев, С.И.Архангельский, Ю.К.Бабанский, В.П.Беспалько, Б.С.Гершунский, С.Я.Батышев, И.Я.Лернер, Н.Ф.Талызина, А.А.Карабанов, Б.Л.Баташов, М.И.Беляев, Д.Ю.Буренкова, П.Д.Волков ва бошқаларнинг ишларида ўз аксини топган.

Таҳлиллар кўрсатадики, олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш жараёнини ташкил этиш ва такомиллаштириш муаммоси бўйича кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган бўлсада, бўлажак касбий фанлар ўқитувчиларининг касбий компетенцияларини дастурлаштирилган таълим воситалардан фойдаланиш асосида шакллантиришнинг педагогик-психологик ва дидактик имкониятларини кенгайтириш муаммолари махсус тадқиқ этилмаган, мазкур ҳолат тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

⁸ Қурбанов Ш., Сейтхалилов Э. Национальная программа по подготовке кадров. - Т.: 2000. - 103 с.

⁹ Джўраев Р.Х. Организационно - педагогические основы интенсификации системы профессионального подготовки в учебных заведениях профессионального образования: Автореф. дисс... докт. пед. наук.- Т.:1995.-43с.

¹⁰ Шарипов Ш.С. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти. Пед. фан. докт. ... дисс.-Т., 2012.-264 б.

¹¹ Қўйсинов О.А. Касб таълими йўналиши бакалавр ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимнинг илмий - методик асослари: Пед.фан.ном. дисс. - Тошкент: ТДПУ, 2008. - 160 б.

¹² Harvey L. External quality monitoring in the market place // Tertiary Education and Management. Vol.3, № 1 / 1997. p. 25-35.

¹³ Ҳамидов Ж.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш ва қўллаш технологияси. Пед. Фан. Докт. Дисс. Тошкент, 2017. - 337 б.

¹⁴ Тўрақулов О.Х. Ахборотлашган таълим муҳитида кичик мутахассислар тайёрлашнинг илмий-методик таъминотини такомиллаштириш (ахборот ва компьютер технологияларига ихтисослашган касб-хунар коллежлари мисолида). Пед. фан. докт. ...автореф.-Т., 2017.-64 б.

¹⁵ Маматов Д.Н. Электрон ахборот таълим муҳитида касбий таълим жараёнларини педагогик лойихалаштириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Дисс. -Т., 2017. - 186 б.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-13-3 “Қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини янада такомиллаштириш ва улардаги жараёнларни моделлаштиришни тадқиқ қилиш” (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий ва Бухоро муҳандислик технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг АИФ-2/20 “Техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида шахсга йўналтирилган инновацион технологиялар асосида малакали инженер кадрлар тайёрлаш ва профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш сифатини яхшилаш” (2019-2020 йй.) мавзусидаги грант лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади дастурлаштирилган таълим воситалари асосида бўлажак касбий фанлар ўқитувчиларининг касбий компетенцияларини шакллантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

олий таълим муассасаларида бўлажак касбий фанлар ўқитувчиларининг касбий компетенцияларини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитларини танқидий ва тизимли таҳлил қилиш;

бўлажак касбий фанлар ўқитувчиларини касбий тайёрлашда дастурлаштирилган таълим воситаларини қўллаш асослари ва тамойиллари, уларнинг умумий тузилмаси ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

ихтисослик фанларини ўқитишда талабаларнинг касбий тайёргарлигини такомиллаштиришга имкон берадиган ўқув-методик таъминот сифатида моделлаштирувчи, ўргатувчи таълим воситаларини ишлаб чиқиш;

компетенциявий ёндашув асосида бўлажак касбий фанлар ўқитувчиларини тайёрлаш моделини такомиллаштириш ва самарадорлигини тажриба-синов жараёнида амалиётда қўллаш орқали аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти – олий таълим муассасалари “Меҳнат таълими” йўналиши талабаларининг касбий компетенцияларини шакллантириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети – бўлажак касбий фанлар ўқитувчиларининг касбий компетенцияларини шакллантириш методикасини дастурлаштирилган таълим воситалари асосида такомиллаштириш мазмуни, шакллари, методлари ва воситалари.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида мавзуга оид педагогик-психологик, илмий манбалар, дидактик материаллар, “Меҳнат таълими” йўналиши давлат таълим стандартлари, малакавий талаблари, ўқув режа ва фан дастурлари, ўқув-методик адабиётларни тизимли ўрганиш ва танқидий таҳлил қилиш; суҳбат, кузатиш, анкета, тест, моделлаштириш, эксперт баҳолаш, педагогик тажриба-синов; тадқиқот натижаларини математик-статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

меҳнат таълими йўналиши талабаларини компетенциявий ёндашув асосида касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида дастурлаштирилган таълим воситаларидан фойдаланиш орқали малака талабларидаги умумтехник кўникмаларни шакллантиришнинг дидактик имкониятлари ишлаб чиқилган дастурлаштирилган таълим воситалари асосида (қулайлик, визуаллик, амалий йўналганлик) кенгайтирилган;

бўлажак касбий фанлар ўқитувчиларининг касбий компетенциялари (ҳисоблаш-график, технологик-лойиҳалаш, ижодий конструкторлик)ни шакллантиришга қаратилган “logically confusing chain” ва “ideological heuristic scale” каби интерфаол ўқитиш методларини виртуал реаллик қонуниятлари асосида ишлаб чиқиш орқали умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш методикаси такомиллаштирилган;

мультимедиа ўқитиш платформаси имкониятларидан фойдаланиб, AutoCAD, Visual Basic ва Macromedia Flash дастурий пакетлари асосида дастурлаштирилган электрон ўқув-методик воситаларини ишлаб чиқиш орқали бўлажак касбий фанлар ўқитувчиларини касбий компетенцияларини шакллантиришнинг электрон-методик таъминоти такомиллаштирилган;

дедуктив ва тармоқланиш тамойиллари асосида бўлажак касбий фанлар ўқитувчиларининг методик-ташкилий, технологик жараёنли ва креативликка оид компетенцияларини комплекс баҳолаш мезонлари (ижтимоийлик, коммуникативлик, интеллектуаллик, ахборотлилик) ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасаларида умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда бўлажак касбий фанлар ўқитувчиларини касбий тайёрлаш сифатини оширишга қаратилган дастурлаштирилган таълим воситалар комплекси ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

замонавий дастурий пакетлар асосида мультимедиа ўқитиш платформасида умумкасбий фанлар “Назарий механика”, “Гидравлика иссиқлик техникаси”, “Электротехника, радиотехника ва электроника”, ихтисослик фанлари “Технология ва дизайн”, “Касбий фанларни ўқитишда инновацион педагогик технологиялар” бўйича махсус курс 5112100-Меҳнат таълими йўналиши ишчи ўқув режасининг кўшимча фанлари блокига киритилган ва фанлар бўйича дастурлаштирилган инновацион электрон ўқув-методик воситалар ишлаб чиқилган, ўқув жараёнида ўқув-методик восита сифатида қўлланган;

талабаларни ўқитиш жараёнида касбий компетенцияларнинг шакланганлик даражасини автоматик аниқлаш ва объектив баҳолаш, дастурлаштирилган воситалардан амалда назорат қилиш имконини берувчи мезонлар ва кўрсаткичларни танлаш воситаси сифатида фойдаланилган ҳамда методик тавсиялар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистика методлари таҳлили ёрдамида асослангани, хулоса,

таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилган модель, ишлаб чиқилган дастурлаштирилган таълим воситалари олий таълим муассасаларида ўқитиш сифати ва самарадорлигини ошириш, таълим жараёнларини тизимли ёндашув асосида ташкил этиш, ўқув режа ва дастурларини такомиллаштириш, профессионал таълимни ривожлантиришда қўлланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, улардан олий таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва чора-тадбирлар дастурларини тайёрлаш, меҳнат таълими мазмуни ва сифатига қўйиладиган давлат талабларини ишлаб чиқиш, ноанъанавий усулда машғулотларни ташкил этиш бўйича ишлаб чиқилган методик тавсиялардан эса ўқув режа ва дастурлар ҳамда малака талабларини такомиллаштириш, дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш ва талабаларнинг олий таълим муассасасини битирганидан кейинги фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Замонавий таълим шароитида бўлажак касбий фанлар ўқитувчиларининг касбий компетенцияларини шакллантиришда дастурлаштирилган таълим воситаларидан фойдаланиш бўйича тадқиқот натижалари асосида:

меҳнат таълими йўналиши талабаларини компетенциявий ёндашув асосида касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида дастурлаштирилган таълим воситаларидан фойдаланиш, умумтехник кўникмаларни шакллантириш, ишлаб чиқилган дастурлаштирилган таълим воситаларидан ўқув жараёнида фойдаланишга доир таклифлар АИФ-2/20 рақамли “Техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида шахсга йўналтирилган инновацион технологиялар асосида малакали инженер кадрлар тайёрлаш ва профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш сифатини яхшилаш” (2019-2020 йй.) мавзусидаги грант лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 4 сентябрдаги 89-03-3310-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак касбий фанлар ўқитувчиларининг умумтехник кўникмаларни шакллантириш, касбий компетентлигини шакллантириш имконини яратган.

бўлажак касбий фанлар ўқитувчиларининг касбий компетенциялари (ҳисоблаш-график, технологик-лойиҳалаш, ижодий конструкторлик)ни шакллантиришга қаратилган “Logically confusing chain” ва “Ideological heuristic scale” каби интерфаол ўқитиш методларини виртуал реаллик қонуниятлари асосида ишлаб чиқиш орқали умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш методикаси “Технология ва дизайн”, “Электротехника, радиотехника ва электроника” фанининг ЭХМ дастури асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетенциясини шакллантириш методикаси мавзусидаги методик таъминот мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил

4 сентябрдаги 89-03-3310-сон маълумотномаси). Мазкур услубий таъминот бўлажак ўқитувчиларининг касбий фаолиятга тайёрлаш методикасини такомиллаштиришга хизмат қилади;

мультимедиали ўқитиш платформаси имкониятларидан фойдаланиб AutoCAD, Visual Basic ва Macromedia Flash дастурий пакетлари асосида дастурлаштирилган электрон воситаларини ишлаб чиқиш орқали бўлажак касбий фанлар ўқитувчиларини касбий компетенцияларини шакллантиришнинг услубий таъминотидан (“Касбий фанларни ўқитишда инновацион педагогик технологиялар”, “Назарий механика” “Электротехника, радиотехника ва электроника”, “Технология ва дизайн”, “Гидравлика ва иссиқлик техникаси” фанлари бўйича) А-13-3 рақамли “Қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини янада такомиллаштириш ва улардаги жараёнларни моделлаштиришни тадқиқ қилиш” (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 4 сентябрдаги 89-03-3310-сон маълумотномаси). Мазкур услубий таъминот олий таълим муассасаларида ўқув жараёни сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий-методик иш, жумладан, 2 та ўқув-услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, шундан 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналда чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг 5 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, 144 саҳифа матн, расмлар, жадваллар, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган; фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети белгиланган, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Бўлажак касбий фанлар ўқитувчиларининг касбий компетенцияларини шакллантиришнинг илмий-назарий**

асослари” деб номланган биринчи бобида бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашга оид илмий-тадқиқот ишларининг таҳлили ва уни такомиллаштиришнинг назарий асослари, касбий компетенцияларни шакллантиришда дастурлаштирилган таълим воситаларнинг ўрни ва аҳамияти, дастурлаштирилган таълим воситаларидан фойдаланишнинг дидактик имкониятлари ўрганилган.

Бўлажак касбий фанлар ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлаш, уларни ватанга муҳаббат, миллий истиклол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг онгли ва мустақил касб-ҳунар танлаши учун шарт-шароит яратиш касб-ҳунарга йўналтириш ишларининг самарадорлигини оширишнинг таъсирчан воситалари ва усулларини татбиқ этиш ҳамда тадбиркорлик билан боғлиқ, профессионал касб-ҳунар ва мутахассисликлар бўйича педагог кадрларни тайёрлаш бугунги кунда олий таълим муассасаларининг асосий вазифалари ҳисобланади. Чунки умумий ўрта таълим мактаблари битирувчиларининг жамиятда ўз ўрнини топиши, ҳаётда фаол иштирок этиши, виждонан хизмат қиладиган касб-ҳунар соҳиблари бўлишида касбий фанлардан дарс берувчи мутахассис ўқитувчиларнинг имкониятлари каттадир.

Қайд этилган фикр-мулоҳазалар касб-ҳунар коллежларида ўқитиладиган касбий фанларнинг ҳозирги ва истикболдаги устувор вазифаларини белгилаб олишда асосий мезондир. Чунки касбий фанлар ўзининг мазмуни, моҳияти ва вазифаларига кўра барча табиий ва ижтимоий-иқтисодий билимларни умумлаштириб, мужассамлашган ҳолда амалиётга татбиқ этишни кўзда тутди. Шу нуқтаи назардан, касбий фанлар назария ва амалиётнинг бирлигини таъминловчи, ўқувчиларнинг олган билимларини амалиётга татбиқ эта олишларига имкон яратувчи асосий омилдир. Бўлажак касбий фанлар ўқитувчиларининг касбий компетенцияси алоҳида аҳамиятга эга. Бу эса ўз навбатида, касбий фанлар ўқитувчиларини тайёрлашни такомиллаштириш, бу тизимнинг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади.

Бўлажак касбий фанлар ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнига татбиқ этиш борасидаги мавжуд тажрибалар таҳлили, бу борада қуйидаги камчиликлар мавжудлигини кўрсатди:

меҳнат бозорининг динамик ўзгарувчанлиги шароитида олий таълим муассасаларининг “Меҳнат таълими” йўналиши педагогик жамоаларининг бўлажак касбий фанлар ўқитувчиларини касбий тайёрлаш жараёнига дастурлаштирилган таълим воситаларни қўллашга етарли даражада тайёр эмаслиги;

“Меҳнат таълими” йўналишининг ўқув жараёнида амалий машқларни виртуал тарзда бажаришга имкон берувчи дастурлаштирилган таълим воситаларининг етарли эмаслиги, уларни қўллаш бўйича методик ишланмаларнинг мавжуд эмаслиги ҳамда профессионал узлуксиз таълимда амалий ва лаборатория машғулотларининг визуаллик, амалий йўналганлик ва инновационлигига кам эътибор қаратилаётгани;

бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетенцияларини баҳолаш фақат касбий фанларни ўзлаштириш билан аниқланаётгани.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, олий таълим муассасалари томонидан бўлажак касбий фанлар ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашда қуйидаги муҳим масалаларни ҳал этилиши долзарб экани аниқланди:

1) бўлажак касбий фанлар ўқитувчиларини касбий тайёрлаш жараёнида дастурлаштирилган таълим воситаларидан фойдаланишни жорий этиш, талабаларда бўлажак касбий фаолиятида дастурлаштирилган таълим воситаларини қўллай олиш кўникмаларининг шаклланганлик ва қобилиятларининг ривожланганлик даражаларини аниқлаш;

2) дастурлаштирилган таълим воситалари касбий фанлар ўқитувчиларининг замонавий талабларига жавоб берадиган етук мутахассис бўлиб етишларидаги ўрни ва роли ҳамда аҳамиятини илмий асослаш;

3) бўлажак касбий фанлар ўқитувчиларининг дастурлаштирилган таълим воситаларидан фойдалана олиш бўйича етарли даражада кўникма ва малакаларни шаклланганлик даражасини аниқлаш ва шакллантиришга оид тажриба-синов ишларини ташкил этиш, ўтказиш ва натижаларни амалиётга татбиқ этиш.

Оддий **HTML** кўринишида электрон ўқув методик мажмуаларни бирор бир матн муҳаририда ҳам тайёрлаш мумкин (мисол учун, **HTML** саҳифаларни **Notepad** матн муҳаририда тайёрлаш учун **HTML** кодларини матн муҳаририга ёзиб сақлашда **htm** ёки **html** кенгайтма бериш кифоя) ёки махсус **HTML** маълумотлар тайёрлашга мўлжалланган **Microsoft FrontPage**, **Dreamweaver** каби дастурлар ёрдамида ҳам тайёрлаш мумкин. Лекин **chm** ёки **exe** кенгайтмали файллар ўзининг яхлитлиги ва осон нухасини кўчириб олиниши билан оддий **HTML** саҳифалар тўпламидан иборат электрон ўқув-методик мажмуалардан афзал ҳисобланади. Ушбу дастур бепул тарқатилувчи дастурлардан бири бўлиб осонлик билан электрон ўқув методик мажмуалар тайёрлашга жуда қулайдир. Юқоридаги фикрлар “электрон ўқув методик мажмуа бу ҳозирги кун талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган, ўзида маърузалар, амалий машғулотлар, видео лавҳалар, анимациялар, расмлар, турли инновацион технологиялар ва методларни қамраб олган дастурлаштирилган инновацион электрон ўқув-методик восита (**ДИЭЎМВ**)” деб таъриф беришга асос бўлди.

ЭЎММнинг инновационлик хусусиятлари қуйидагилардан иборат экани аниқлаштирилди:

1) касбий фанларни ўзлаштириш интегратив ва мантиқийлик тамойиллари асосида ЭЎММ мазмуни ишлаб чиқилган. Бунда керакли касбий атама ёки тушунчаларни қайси мавзуда берилгани орқали ҳам ўрганиш ёки қайси амалий топшириқларда келтирилганини тезкор ва объектив аниқлаш мумкин;

2) лаборатория ва амалий машғулотларни талабага тегишли вариантларда бажариш имкони яратилгани. Бунда бўлажак касбий фанлар ўқитувчилари касбий билим ва кўникмалар тўғрилигини бевосита текшириш ва оффлайн режимда мазкур топшириқни қайта-қайта бажариш имкони

мавжуд, бу кам вақт сарфлаб уларнинг касбий компетентлигини ва ўқитувчининг бевосита иштирокисиз ривожлантиришга хизмат қилади;

3) бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини электрон таълим муҳитида реал вазиятлар ва ностандарт топшириқлар асосида объектив баҳолаш имконияти мавжудлиги.

Диссертациянинг **“Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетенцияларини дастурлаштирилган таълим воситалари асосида шакллантириш методикаси”** деб номланган иккинчи бобида умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда виртуал таълим технологиялари, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетенцияларини дастурлаштирилган таълим воситалари асосида шакллантириш модели, бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга ташёрлашда дастурлаштирилган ўқув-методик таъминот ҳақидаги фикрлар баён этилган.

Олий таълим муассасаларида бўлажак касбий фанлар ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш борасида олиб борилган тадқиқотларини таҳлил натижалари ва амалий иш тажрибамиз бу борада қуйидагилар катта аҳамият касб этишини кўрсатди:

олий таълим муассасаларида бўлажак касбий фанлар ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашда дастурлаштирилган таълим воситаларидан фойдаланишнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш;

бўлажак касбий фанлар ўқитувчиларининг дастурлаштирилган таълим воситаларидан фойдалана олиш даражасини аниқлаш ҳамда уни такомиллаштириш;

умумкасбий ва ихтисослик фанларни ўқитишда дастурлаштирилган таълим воситаларини ишлаб чиқиш;

бўлажак касбий фанлар ўқитувчиларининг касбий компетенцияларини ривожлантиришда дастурлаштирилган таълим воситаларидан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиш.

Бунинг учун эса:

фан-техника ва технологияларнинг энг сўнгги ютуқлари ва уларнинг амалий аҳамияти ҳақидаги маълумотлар базаси ҳамда уни мунтазам равишда бойитиб бориш имкониятига эга бўлиш;

касбий фанлар ўқитувчиларининг касбий фаолиятига мос келувчи инновацион компетенциялар базасига эга бўлиш;

турли хил касб-ҳунарга тегишли техник воситалар (деталлар, қурилмалар, механизмлар, бирикмалар, машиналар ва бошқалар) билан муносабатда бўлиш ҳақидаги маълумотлар базасига эга бўлиш ва улардан касбий фаолиятда ахборот сифатида фойдалана олиш;

техник объектлар ва технологик жараёнлар асосида амалий кўникмаларга (ўлчов, ҳисоблаш, қайта ишлаш, монтаж қилиш) эга бўлиш;

кўпгина касблар эгаси учун зарур бўлган турли хил деталлар ва уларнинг қисмлари, узел, бирикмалар, техник қурилмалар, механизм ва машиналарга оид билим ва кўникмаларга эга бўлиш.

Юқорида қайд этилган муаммолар ва зиддиятларни ҳал этишга қодир касбий фанлар ўқитувчиси қуйидаги касбий сифатларга эга бўлиш керак:

1) юқори даражада ғоявийлик. Ўқитувчи ўсиб келаётган ёш авлоднинг тарбиячиси сифатида ўқувчиларни давлатимизга чексиз садоқат руҳида тарбиялаши, уларда миллий дунёқарашни шакллантириши керак;

2) юқори техник билим, кўникма ва малака. Таълим жараёнини самарали ташкил этиш учун дурадгорлик, токарлик, слесарлик, электромонтёрлик ва бошқа шу каби касблар асосларини мукаммал эгаллаганлик, электротехника элементларини чуқур ўзлаштирганлик, кейинги амалий фаолият жараёнида ўз маҳоратини узлуксиз ошира бориш;


3) юқори педагогик-психологик тайёргарлик. Бўлажак касбий фанлар ўқитувчиси зарурий билим, кўникма ва малакаларни юксак савияда эгаллагани қолмай, ўқувчиларда ҳам малакаларни таркиб топтириш керак.

Илмий изланишлар асосида талабаларнинг мутахассис даражасига эришишида аудитория машғулотлари ва мустақил таълимда ўзлаштириши лозим бўлган умумкасбий ва ихтисослик фанларидан билим ва кўникмалар, уларни шакллантириш методикаси, касбий-педагогик тайёргарлик, касбий сифатлар ва касбий билимдонлик ҳамда дастурлаштирилган таълим воситаларидан фойдаланиш, электрон дарсликлар ишлаб чиқиш, электрон адабиётлардан фойдаланиш, виртуал лабораториялар тайёрлаш кўникмаларини шакллантириш асосида касбий компетентлик, ахборот компетентлиги, коммуникатив компетентлик, амалий фаолият компетентлигини таркиб топтириш – етук касбий фанлар ўқитувчисини тайёрлашнинг мантиқий тузилмаси аниқланди. Бўлажак касбий фанлар ўқитувчиларини умумкасбий ва ихтисослик фанлар бўйича касбий тайёрлаш жараёнида дастурлаштирилган таълим воситаларидан фойдаланиш муҳитида мутахассис тайёрлаш тузилмаси-моделини аниқлашга ҳаракат қилинди.

Ижтимоий эҳтиёжда бўлажак касбий фанлар ўқитувчиларини тайёрлашда уларга кўйиладиган илмий-тадқиқот; лойиҳавий-конструкторлик; ишлаб чиқариш; ташкилий-бошқарув; фойдаланиш, хизмат кўрсатиш, ва ЎМКХТ тизимида педагогик фаолият турлари бўйича малака талабларининг бажарилиши назарда тутилган.

Мақсад дастурлаштирилган таълим воситалари асосида бўлажак касбий фанлар ўқитувчиларининг касбий компетенцияларини шакллантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Бўлажак касбий фанлар ўқитувчиларининг касбий компетенциялари дидактик хусусиятларига кўра методик-ташкилий, технологик-жараёнли ва креатив турларга ажратиб ўрганилди. Методик-ташкилий компетенциялар бўлажак касбий фанлар ўқитувчиларига дарс ўтиш учун зарур ўқув-методик ҳужжатлар, ўқитишнинг техник воситаларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш; мустақил таълим ва ижодий изланиш натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият методлари, воситалари ва шакллари тизимида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш; замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ва ш.к. кўникмаларни ўз ичига олади.



1-расм. Бўлажак касбий фанлар ўқитувчиларининг касбий компетенцияларини дастурлаштирилган таълим воситалари асосида шакллантириш модели.

Технологик жараёнли компетенцияларга эса “конструкторлик-технологик фаолият”: фақат техникавий-конструкциялаш, ижодий масалаларни ҳал қилиш эмас, балки уларни тажриба орқали, яъни деталлар тайёрлаш технологияси ва техникавий объектни йиғиш орқали амалга ошириш ҳам киритилади. Бундай ёндашишнинг аҳамиятли томони шундаки, талаба деярли ҳақиқий ишлаб чиқариш шароитида фаолият кўрсатади.

Креатив компетенциялар бўлажак касбий фанлар ўқитувчиларининг ижодий-техникавий тафаккурини ривожлантириш йўлларида бири – техник конструкциялаш ва моделлаштириш асосида дарсларни ташкил этишдан иборатдир. Касб-ҳунар таълими машғулотида ёки ўқув устахоналаридаги техникавий конструкциялашни маълум даражада малакали конструкторлар, технологлар фаолияти билан таққослаш мумкин. Чунки ишлаб чиқариш шароитида янги машиналарни яратиш сингари ўқув устахоналарида турли буюмларни техникавий яратиш жараёни ҳам кўйидаги босқичлардан ташкил топади: техникавий фикрнинг туғилиши, мўлжалланган буюмга техникавий талабларнинг қўйилиши, конструкцияни эскизлар ҳолатида ишлаб чиқариш ва уни муҳокама қилиш, технологик жараёни ишлаб чиқариш, зарур материаллар ва асбобларни танлаш, ўйлаб қўйилган буюм деталларини тайёрлаш ва уларни узелларга йиғиш, узеллардан буюм тайёрлаш, буюмни ишда синаб кўриш ва уни созлашни назарда тутади.

Таълим мазмуни ва жараёни. Бўлажак касбий фанлар ўқитувчиларида ўқув материални дастурлаштирилган таълим воситалари асосида мустақил ўрганиш малакасини шакллантириш жараёни ўқитувчи томонидан мақсадли ташкил этилади ва унинг назорати остида амалга оширилади.

“Мантиқий чалкаш занжир” методи. Ихтисосликка оид тушунчалар, билдирилган фикрлар ўртасида боғлиқликни юзага келтириш, уларни мантиқий жиҳатдан кетма-кетликда тўғри ифодалашга ёрдам беради. Унинг моҳиятига ўқитувчи мавзунини ёритувчи маълумотларни тўғри ва нотўғри тартибда баён этади. Талабаларнинг вазифаси мантиқий жиҳатдан нотўғри ифодаланган маълумотларни тўғри далилларга айлантириш, юзага келган мантиқий чалкашликни тузатиш, фикрларни муайян кетма-кетликда тўғри жойлаштирилган ҳолда узатилган занжирни “улашдан” иборат.

Юқорида айтилганлар асосида талабалар техникавий модель ёки асбобни ишлаб чиқиши ёки такомиллаштириши мумкин. Меҳнат таълими дарсларини ташкил этишда кўرғазмали методларни қўллаш юқори самара бериши илмий тадқиқотларда аниқланган бўлиб, айниқса у иш-ҳаракат фаолиятини виртуал тарзда намойиш қилиш натижасида бўлажак касбий фанлар ўқитувчиларининг касбий билим, кўникма ва малакаларининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўз навбатида, моделлаштирувчи педагогик дастурий воситаларни ишлаб чиқиш муаммоси функционал назарияларни қўллаш ва янада такомиллаштириш билан боғлиқ қуйидаги йўналишларга ажратилади:

1. Виртуал реалликни лойиҳалаш. Моделлаштириш асосида бериладиган ахборотларни қабул қилиш ва унинг реаллик билан мослигига билим олувчини ишонтира олиш.

2. Математик моделлаштириш. Таълимий мақсадларда моделлаштиришда математик моделлар хусусиятларини тадқиқ қилиш.

3. Ахборотларни акс эттириш назарияси. Реал шароитларда ишлаётганлик таассуротини ҳосил қилувчи график машиналарни бошқариш воситаларидан фойдаланиб, реал тасвирларни куришга қаратилган визуаллаштириш методларини қўллаш ва такомиллаштириш.

4. Компьютер муҳитини ҳис қилиш психологияси. Ахборотларнинг асосий қисмини телевизор ва компьютер монитори орқали олишга кўникиб қолган замонавий ёшлар фикрлашидаги ўзига хосликни эътиборга олиш.

5. Виртуал реаллик хусусиятлари. Виртуал реаллик билан ўзаро таъсирлашувнинг индивидуал траекториясини танлаш.

6. Дидактиканинг асосий тамойиллари. Моделлаштирувчи дастурлаштирилган таълим воситаларини ишлаб чиқишда таълим амалиёти тажрибалари асосида шаклланган, ўзида ўқув жараёни қонуниятларини акс эттирувчи дидактик тамойиллар асос сифатида қабул қилиниши лозим. Реал ва моделлаштирилувчи шаклларда бериладиган билимларнинг ўзаро мақбул нисбатини белгилашнинг дидактик ва методик муаммолари ҳам алоҳида тадқиқот йўналиши ҳисобланади.

Ахборот-таълим муҳити шароитида бўлажак касбий фанлар ўқитувчилари касбий тайёргарлигини такомиллаштиришга имкон берувчи таълим воситалари таркибига электрон дарсликлар ва электрон ўқув қўлланмалар, мультимедиали ўргатувчи тизимлар; аудио ўқув-ахборот материаллари; видео ўқув-ахборот материаллари; виртуал лаборатория ишлари; тренажёрлар; маълумотлар ва билимлар базаси; электрон ахборот ресурс марказлар; эксперт ўргатувчи тизимлар асосидаги ўқитиш воситалари; виртуал реаллик асосидаги ўқитиш воситалари киради.

Таълим жараёнида виртуал стендлар ва лабораториялардан фойдаланиш таълим тизими ривожланишининг табиий босқичи бўлиб, бунда бўр ва синф тахтасидан компьютер ўргатувчи анимацияли ҳамда мультимедиали дастурларга, одатдаги ахборот ресурс марказларидан электрон ахборот ресурс марказларига, кичик ўқув гуруҳларидан исталган ҳажмдаги виртуал аудиторияларга ўтилади.

Кейинги йилларда таълимда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш соҳасида янги “виртуал ўқув лабораторияси” тушунчаси кенг қўлланмоқда. “Гидравлика ва иссиқлик техникаси” фанидан қаралганда,

виртуал ўқув лабораторияси меҳнат фаолиятини компютерлаштириш ва бўлажак касбий фанлар ўқитувчилари фаолиятини осонлаштиришга йўналтирилади. У очик ва масофавий таълим тамойилларига мос келади ва ўқув жараёнининг моддий-техник таъминоти билан боғлиқ муаммоларни қисман бўлсада ҳал этиш имконини беради.

Умумкасбий ва ихтисослик фанлар бўйича маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини ташкил этишда қўлланадиган “Дастурлаштирилган инновацион электрон ўқув-методик мажмуа” бўлажак касбий фанлар ўқитувчиларини фан бўйича касбий тайёрлашга хизмат қилади. Ушбу дастурлаштирилган инновацион электрон ўқув-методик мажмуа кириш, меъерий ҳужжатлар, маъруза машғулотлари, амалий машғулотлар, лаборатория машғулотлар, виртуал лаборатория, мустақил таълим мавзулари, тақдимотлар, анимациялар, дастурлаштирилган назорат тести, таянч сўз ва атамалар, фойдаланилган адабиётлар, муаллифлар ҳақида маълумотларни ўз ичига олади.

Баҳолаш мезонлари. Бўлажак касбий фанлар ўқитувчиларининг касбий компетенцияларини баҳолаш қуйидаги мезонлар асосида олиб борилди: Ижтимоийлик (ижтимоий онги, муносабати ва таълим тизимдаги ислоҳотлардан хабардорлиги ва ш.к.), коммуникативлик (педагогик мулоқотга киришувчанлиги, хорижий тилларни эгалланлиги ва педагогик этикани амалда қўллаши ва ш.к.), интеллектуаллик (касбий салоҳият, дунёқараш ва ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларни амалда қўллаш ва ш.к.) ва ахборотлилик (ахборот технологиялар билан ишлаш, маълумотларни излаш, йиғиш ва қайта ишлаш ва ш.к.).

Тайёргарлик даражалари:

